поддержке учителя, постепенно переходя к описанию сцен и, в конечном итоге, пересказывая историю самостоятельно. Этот прогрессивный подход формирует словарный запас, структуру предложений и уверенность в повествовании. Этот метод поддерживает Маклафлин, который обнаружил, что визуальный скаффолдинг помогает молодым ученикам развивать повествовательные навыки.

Подводя итог, можно сказать, что роль учителя — посредника, который использует язык как «психологический инструмент для поддержки обучения учащихся посредством социального взаимодействия».

Можно предположить, что учащиеся могут получить оптимальное обучение, если они хорошо поддерживаются учителем, который надлежащим образом использует язык в классе. Чтобы стать эффективным учителем, учителя английского языка для юных учеников должны обладать продвинутым уровнем владения английским языком. Тем не менее, владение английским языком в классе также важно. Другими словами, учитель английского языка должен не только хорошо владеть языком, но и обладать педагогическими знаниями в использовании языка для поддержки учащихся, вовлекая их в контекстное и осмысленное взаимодействие.

Таким образом, это исследование дает рекомендации для программ обучения учителей по разработке сбалансированного подхода к решению проблемы владения языком. Подход, который необходим для улучшения не только владения языком учителями, но и их навыков использования целевого языка для поддержки своих учащихся в достижении оптимального обучения.

**Литература**

1. Указ Президента Республики Узбекистан №5117 «О мерах по организации стимулирования изучения иностранных языков» от 19 мая 2021 г.

2.Lightbown P and Spada N.(2013). How languages are learns 4th.edn.Oxford: Oxford University Press. 2013. -P.92

3. Vygotsky L. S.Mind in Society: The Development of Higher Psychological Processs. Harvard University Press. 1978. -P.86.

4. Bruner J . Child’s Talk: Learning to Use Language. -New York: Norton.1983. -P. 60.

5.Cameron L . Teaching Languages to Young Learners. Cambridge University Press. 2001. -P 98.

6. Ellis P. Principles of Instructed Language Learning .Oxford: Blackwell. 2005. -P 94.

7. Gibbons P. Scaffolding Language, Scaffolding Learning: Teaching Second Language Learners in the Mainstream Classroom. Heinemann. 2002. –P.27.

**РЕЗЮМЕ.** Ушбу мақолада бошланғич мактаб ўқувчиларига инглиз тилини ўқитишда моделлаштириш, овоз чиқариб мулоҳаза қилиш, жумлани бошлаш ва бошқариладиган амалиёт каби стратегияларнинг роли муҳокама қилинади. Ушбу усуллар ўқитувчиларга масъулиятни аста-секин талабаларга юклайдиган, тилни ўзлаштиришга ҳам, танқидий фикрлашга ҳам ҳисса қўшадиган тизимли ёрдам кўрсатишга имкон беради.

**РЕЗЮМЕ.** В данной статье обсуждается роль скаффолдинг стратегий, как моделирование, размышление вслух, начало предложений и управляемая практика в преподавании английского языка учащимся начальной школы. Эти методы позволяют учителям оказывать структурированную поддержку, которая постепенно перекладывает ответственность на учащихся, способствуя как овладению языком, так и критическому мышлению.

**SUMMARY.** This article discusses the role of scaffolding strategies such as modeling, think-alouds , sentence starters and guided practices  in teaching English to primary school students. These methods enable teachers to provide structured support that gradually shifts responsibility to students, promoting both language acquisition and critical thinking.

## МУСОБАҚА ФОАЛИЯТИ ДАВРИДА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ СПОРТЧИЛАР НАТИЖАЛАРИНИНГ ЎСИШ САМАРАДОРЛИГИ ТАҲЛИЛИ

**П.Калжанов** – *доцент*

*Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти*

**Р.Калжанов** – *ўқитувчи*

*Нукус инновацион институти*

**Таянч сўзлар**: волейбол ўйинчилари, мусобақа, олтин медаллар, халқаро мусобақалар, тенденция.

**Ключевые слова:** волейболисты, соревнования, золотые медали, международные соревнования, командные лодки, тенденция.

**Key words:** volleyball players, competitions, gold medals, international competitions, team boats, trend.

**Кириш**. Волейбол ўйини барча мамлакатларда машҳур бўлган спорт туридир шунингдек волейбол – бу динамик спорт тури, турли спринтлар, сакрашлар билан тавсифланади. Ўйин

давомида қайта-қайта содир бўладиган юқори шиддатдаги ҳаракатлар, рақобат, ижро муваффақияти бу ҳаракатнинг тузилиши антро пометрик кўрсатгичларга боғлиқдир. Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, хатто узоқ якин қишлоқ манзилларида ҳам жисмоний машғулотлар ва спорт турлари билан шуғулланишга барча имкониятлар ва шароитлар яратилган. “Бу борада белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши жисмоний тарбия ва оммавий спортнинг жамиятимиз ҳаётидаги ролини янада кучайтириш, аҳолининг барча қатламларида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёшларга ўз қобиляти ва истеъдодларини рўёбга чиқаришлари учун барча шароитларни яратиш орқали уларни оммавий тарзда спортга, соғлом турмуш тарзига ошно қилиш, қолеверса нуфузли халқ аро майдонлар даватанимиз байроғини баланд кўтариб келаётган машхур спортчиларимиз сафларини тобора кенгайтиришга хизмат қилади [1].

**Методлар.** Жаҳонда шуғулланувчилар сони жиҳатидан оммалашган спорт турларидан бири волейболда саралаш, тезкорлик каби тенденциялар тобора ортиб бормоқда. Техник–тактик усулларнинг ранг баранглиги ошиб, уларнинг самарадорлигини таъминловчи тезкор ҳаракатлар, сакрашлар, рақиб ҳужумини бартараф этиш учун тўсиқ қўйиш каби мураккаб техник тайёргарликларни намойиш этиши томошабинларда янада ишқибозликни кучайтиришга олиб келмоқда қолаверса, волейбол спорт турини оммалашувига имкон яратмоқда.

Шу сабабдан, волейбол спорт турига ёшларни саралаш ва улар билан ўтказиладиган ўқув-машғулотларни илмий асосда ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда ташкиллаштириш замон талаби бўлиб қолмоқда. Жаҳон амалиётида волейбол спорт турига танлаш саралаш ва торихтисосликка йўналтириш турли ёш гуруҳларига мансуб волейболчиларни тайёрлаш хусусиятлари, техник ва тактик таёргарлик , жисмоний тайёргарлик сифатларини тарбиялшга йўналтирилган кўплаб илмий тадқиқодлар олиб борилган. Хозирги вақтда малакали волейболчиларнинг жисмоний иш қобилятини шакллантириш асосида мусобақаларга тайёрлаш тизимини оптималлаштириш, такомиллаштириш методикасини зарурати етарли даражада ўрганилмаганлигини ҳисобга олиб шу йўналишда комплекс илмий тадқиқодлар олиб бориш зарурати юзага келмоқда.

Тан олиш лозимки, айни кунда мазкур йўналишда ҳал қилиниши керак бўлган муаммолар, бартараф қилиниши керак бўлган камчиликлар мавжуддир. Бундай муаммолар аксарият спорт ўйинлари амалиётида, айниқса юқори малакали, рақобат бардош волейболчилар тайёрлашга ихтисослашган спорт мактаблари, спорт клублари, олий спорт маҳорат мактаблари, албатта терма жамоалар фаолиятида яққол кўзга ташланади. Бугунги кунда коракалпоғистон волейболининг салоҳияти ва мавқеа, афсуски, халқаро профессионал волейболга мос модел кўрсаткичларидан анча пастдир. Бироқ юртимизда истеъдодли ва профессионал волейболчилар тайёрлаш тизимида яратилган камчиликларни борлиги спорт натижаларига бевосита ўз таъсирини кўрсатмоқда. Аммо юртимизда истеъдотли ва профессионал волейболга лойиқ спорт захиралари ёки юксак маҳоратли ўйинчилар мавжуд бўлсада кузатувлар шундан далолат берадики, ихтисослашган спорт жамиятлари, клублар ва терма жамоаларда шуғулланаётган барча ёшдаги ва турли малакага эга волейболчилар жисмоний, техник-тактик ва функционал тайёргарлик жиҳатидан малакали хорижий волейболчиларга қараганда анча бўш эканлиги кўрсатилган.

**Мухокама**. Статистикада, соҳа мураббийи, олим ва ходимларига муайян спорт турлари ва спортчиларнинг муаммоли жойлари, спорт натижаларининг пасайиши ва яқшиланишини кузатишга, нима устида ишлаш кераклигини, қандай машғулотларни кучайтириш кераклигини аниқлашга ва муаммони уз вақтида тушуниш имконини беради [2]. Спортни нафақат ҳаяжонли томоша сифатида ва мамлакат номини дунёга танитишда енг кучли восита сифатида кўриш ҳозирги кунда мамлакат сиёсатида ражасига кўтарилган. Шу сабабдан мамлакатимиз маълум бир натижа кўрсатадиган спорт турларига маблағ ажратиш ёки қайси спорт турига йўналтиришдаги қарорларни қабул қилишда статистика асосий омиллардан биридир [3]. Мақоламизда Қорақалпоғистон Республикаси волейбол ойиншиларининг охирги 10-йилликда ички мусобақаларида кўрсатган натижалари статистик ўрганилиб чиқилди (1-расм).




*1-Расм. Қорақалпоғистон Республикаси волейбол ойиншиларининг охирги 10 йилликдаги кўрсатган натижалари.*

**Натижа**. Жаҳонда шуғулланувчилар сони жиҳатидан энг оммалашган бугунги волейболда ўта кескин ўзгарувчан йўналишлар бўйлаб фавқулодда вазиятлар талабларига мос равишда ижро этиладиган техник-тактик усуллар, уларнинг самарадорлигини таъминловчи тезкор ҳаракатла-нишлар, сакрашлар, йиқилиб ўйнашлар ҳажми шиддати борган сари ортиб бормоқда. Замонавий волейболда деярли барча ўйин усуллари (ҳужум зарбалари, тўсиққўйиш, тўп узатиш, тўп киритиш) таянчсиз ҳолатда яъни сакраб ижро этилади.

Шу мақсадда мавжуд бўлган спорт турларида эришилган натижаларни тахлил қилиш ва истиқ болли йўналишларни аниқлаш долзарб муаммо-лардан бири ҳисобланади.

**Хулоса.** Қорақалпоғистон Республикаси волейбол спорт мактабининг охирги 10 йилликда енг сермаҳсул мавсуми 2021-2022 йилга тўғри келиши натижаларнинг пасайиши 2023 йилга тўғри келиши аниқланди.

Қорақалпоғистон Республикаси волейбол ойинчиларининг натижаларини умумий анализ қилиш ва якуний хулоса сифатида айтиш мумкун 2020-йилда натижаларнинг аста секин пасайишини ва 2023-йилга келиб енг пассив холатига келганлиги ва 2021-2022 йилдан қайта тикланиш даври бошланганлиги аниқланди. Бунга сабаб сифатида Қорақалпоғистон Республика-сидаги экологик ҳолатнинг охирги йилларда оғирлашиши волейбол ойинчилари учун муҳим бўлган сувнинг айни тайёргарлик даврларида кам бўлиши ва етарлича инвентарлар билан таъминланмаганлиги сабаб қилиб кўрсатиш мантиқий тўғри бўлади.

**Адабиётлар**


1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги ПФ-5924-сон “Ўзбекистон Рес-публикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.
2. [Электронный ресурс] https://cyberleninka.ru/ article/n/matematicheskaya-statistika-v-sporte/viewer.
3. Айрапеьнц Л.Р. Учебник для вузов. -Т.: «Зарқалам», 2006. –С. 240.
4. Умматов А.А. Малакали волейболчиларда жисмоний иш қобилятини шакллантириш ва уни бахо-лаш методикасин иишлаб чиқиш. 2020.
5. Содиқов А.Т. 1-4 синф оқувчиларининг жисмоний тарбия дарсларидаги машқлар нагрузкасини меёрлаш,1997.
6. Пўлатов А.А. Мусобақа оралиғини ташкил қилиш асосида таеквандо чиларнинг техник-тактик тайёргарликларини такомиллаштириш, 2023.
7. Беляев А.Б., Савин М.Б. Волейбол. Учебник. ИСБН 978-5-98724-059-5. 2009. -С. 360.
8. Волков Л.П. Теория И методика детского и юношеского спорта. – Киев: «Олимпийская литерату-ра», 2002. –С. 294.
9. Матвеев Л.П. Общая теория спорта и её приклад. Изд. четвёртое, испр. и доп. -СПБ. [И др.]: Лан, 2005.-377, [1]с.: ил., табл.; 21см.; ИСБН 5-8114-0585-05: 3000.
10. Фурманов А.Г. Подготовка волейболистов. –Минск: МЕТ, 2007. -С.329. w.w.w.



**РЕЗЮМЕ.** Мақолада Қорақалпоғистон Республикаси волейбол ўйинчиларининг охирги 10 йил-ликдаги мусобақаларда кўрсатган натижалари статистик анализ қилинган ва спортчилар натижалари-нинг камчилик ва устун тарафлари буйича хулосалар келтирилган.

**РЕЗЮМЕ.** В статье проанализированы результаты волейболистов Республики Каракалпакстан за последние 10 лет и сделаны статистические выводы относительно преимуществ и недостатков в резуль-тате спортсменов.

**SUMMARY.** The article analyzes the results of volleyball players of the Republic of Karakalpakstan over the past 10 years and makes statistical conclusions about the advantages and disadvantages of athletes as a result.


## MNEMONIK MASHQLAR VOSITASIDA INGLIZ TILIDAN O‘QUVCHILARNING NUTQIY KO‘NIKMALARINI SHAKLLANTIRISHNING ILMIY-NAZARIY ASOSLARI


**A.Ye.Karlibayeva** – *doktorant*

*Berdaq nomidagi Qoraqalpoq davlat universiteti*



**Tayanch so‘zlar:** mnemonika, nutqiy ko‘nikmalar, kommunikatsiya, leksik birliklar, semantik tahlil, lingvistik iboralar.

**Ключевые слова:** мнемоника, речевые навыки, коммуникация, лексические единицы, семантический анализ, лингвистические данные.

**Key words**: mnemonics, speech skills, communication, lexical units, semantic analysis, linguistic data.


Jahon ta’lim tizimida o‘quvchilarning nutqiy ko‘nikmalarini shakllantirishda zamonaviy pedagogik yondashuvlarni qo‘llashga bo‘lgan ehtiyoj kuchaymoqda. Xususan, xorijiy tillarni o‘qitishda